

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

ХОЛМУРОДОВ ИСРОИЛ ЗАВҚИ ЎҒЛИ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ҚАНДИМ КЎТАРИЛМАСИ ТЕРРИГЕН
ЮРА ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТОРЛИК ХОССАЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ УГЛЕВОДОРОД УЮМЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШИДАГИ РОЛИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 553.98:552.1.53:551.762(575.16/.192)

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of geological and mineralogical sciences**

Холмуродов Исроил Завқи ўғли

Бухоро-Хива региони Қандим кўтарилмаси терриген юра ётқизикларининг коллекторлик хоссалари ва уларнинг углеводород уюмлари ҳосил бўлишидаги роли..... 3

Холмуродов Исроил Завқи угли

Коллекторские свойства юрских терригенных отложений Кандымского поднятия Бухаро-Хивинского региона и их роль в формировании залежей углеводородов..... 19

Holmurodov Isroil Zavki ugli

Reservoir properties of Jurassic terrigenous deposits of the Kandym uplift of the Bukhara-Khiva region and their role in the formation of hydrocarbon deposits..... 35

Нашр қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИ**

ХОЛМУРОДОВ ИСРОИЛ ЗАВҚИ ЎҒЛИ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ҚАНДИМ КЎТАРИЛМАСИ ТЕРРИГЕН
ЮРА ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТОРЛИК ХОССАЛАРИ ВА
УЛАРНИНГ УГЛЕВОДОРОД УЮМЛАРИ ҲОСИЛ
БЎЛИШИДАГИ РОЛИ**

04.00.07 – Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/GM171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**
доктор геолого-минералогических наук, доцент

Расмий оппонентлар: **Долгополов Феликс Геннадиевич**
геология ва минералогия фанлари доктори
Бойқобилов Иброҳим Тошпулатович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги Dsc.24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 23 » январ куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100164, Ташкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4394 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил « 6 » январ куни тарқатилди.
(2024 йил « 28 » октябрдаги 88 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Т.Х. Шоймуротов
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

[Signature]
М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.д., к.и.х.

[Signature]
А.Н. Богданов
Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, г.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда микёсида энергия ресурсларига бўлган талабнинг ўсиши, шунингдек йирик нефт ва газ конларининг ўзлаштириб бўлиниши углеводород хом ашёсининг истиқболли қатламларини излаш ва аниқлаш жараёнига янги усулларни жорий этишни талаб қилмоқда. Мавжуд углеводород захираларининг кескин камайиши нефт ва газ саноати олдига юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлган янги истиқболли объектларни излаб топиш каби муҳим вазифаларни қўймоқда. Шу муносабат билан, нефтгаз саноатининг устувор йўналишларидан бири бу қатламларнинг коллекторлик хусусиятларини ўрганиш орқали нефт ва газга истиқболли майдонларни ажратиш ҳамда уларнинг нефтгазли регионларда тарқалиш тарзини асослашдан иборат. Шу билан бирга, қатламларнинг коллекторлик хусусиятларини аниқлашда янги технологияларни жорий этиш ва замонавий дастурларни қўллаш геология-қидирув ишлари жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарли таваккални бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда ҳозирги вақтда нефт ва газ саноатида терриген ётқизиклар маҳсулдор горизонтларининг коллекторлик хусусиятларини ўрганишга ва уларнинг углеводород уюмлари ҳосил бўлишидаги ролини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун турли хил тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан терриген ётқизиклар кесимида қатламларни коллекторлик хусусиятларининг тарқалиш қонуниятларини аниқлаш; қатлам коллекторлик хусусиятларининг углеводород конларининг шаклланишига таъсирини аниқлаш; геологик моделлаштириш; коллекторлик хусусиятлари бўйича истиқболли ҳудудларда сейсморазведка, керн ва қудуқ геофизик тадқиқотлари ва бошқа маълумотларини комплекслаш асосида мураккаб типдаги коллекторлар қатламларни ажратиш каби вазифаларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тобора ортиб бораётган энергия ресурсларига бўлган талабни қондириш мақсадида янги технология ва услубий ишланмаларни соҳага тадбиқ этиш бўйича маълум бир илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида "...ёқилғи-энергетика саноатини янада ривожлантириш, такомиллаштириш, жадаллаштириш..."¹ чора-тадбирлар белгиланган. Шунга асосан, нефт ва газ соҳасининг, хусусан, углеводород уюмларини излашга йўналтирилган геологик-қидирув ишларининг энг асосий вазифаларидан бири юра даври терриген ётқизиклари таркибидаги янги ўрганилаётган объектларнинг коллекторлик хусусиятларини аниқлаш, қатламларнинг нефтгазга тўйинганлигини баҳолаш, уларнинг коллекторлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг янги стратегияси тўғрисида"ги фармони // Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Қонунчилик ҳужжатлари тўплами.

хусусиятларини худуд бўйлаб тарқалишини ўрганиш ҳамда ишончли захираларини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4522-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хом ашё базасини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5083-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида тоғ-кон саноати ва геология соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-116-сонли Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот ишлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар” (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш) устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Тадқиқот худудудида биринчи нефт ва газ кони Қандим, 1965 йилда юра даврининг карбонат ётқизиқлари таркибида очилган. Шундан сўнг Хожиказган-Учбурган, Оққум-Парсанкўл, Хожи каби конлар очилиши худуднинг нефт ва газга истикболини ўрганишга қаратилган кенг кўламли тадқиқот ишларини олиб бориш учун қуйидаги етакчи олим ва мутахассисларга туртки бўлди: А.М.Акрамходжаев, Г.С.Абдуллаев, А.А.Абидов, В.П.Алексеев, К.А.Алимов, Е.И.Арнаутов, П.У.Ахмедов, А.Г.Бабаев, Т.Л.Бабаджанов, А.Н.Богданов, И.Т.Бойкобилов, Р.А.Габрильян, Т.А.Гафуров, Н.А.Гафурова, Ш.Д.Давлятов, Г.Г.Джалилов, Ф.Г.Долгополов, Г.Б.Евсеева, Н.В.Еременко, Е.Н.Жданова, Я.Х.Иминов, О.А.Каршиев, А.В.Киршин, Н.А.Крылов, Х.Х.Миркамалов, А.К.Мальцева, Н.У.Мухутдинов, А.Х.Нугманов, Ш.С.Раджабов, В.В.Рубо, Б.Б.Ситдиқов, Ю.М.Садиков, С.К.Салямова, Б.К.Сафонов, Л.Н.Сафонова, А.Н.Симоненко, Г.С.Солопов, К.А.Сотириади, Б.Б. Таль-Вирский, В.И.Троицкий, Л.С.Хачиева, Б.С.Хикматуллаев, Б.И.Хожиев, С.Т.Хусанов, Т.Х.Шоймуротов, М.Э.Эгамбердиев ва бошқалар. Ушбу олим ва мутахассисларининг олиб борган тадқиқотлари натижасида Бухоро-Хива нефт ва газ регионининг деярли барча худудларида, юра даври терриген ётқизиқларнинг геологик тузилиши, уларнинг тарқалиши ҳамда нефт ва газга истикболлиги ўрганилган.

Шунга қарамасдан Қандим кўтарилмаси худудида юра даври терриген қатламларнинг коллекторлик хусусиятларини, уларнинг латерал тарқалишини, ўзига хос хусусиятларини ва истиқболли қатламларни ажратишнинг самарали усулларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Сўнги йилларда Бухоро-Хива регионидида очилган янги конлардан олинган муҳим маълумотлар ёрдамида терриген коллекторларнинг филтрация-сиғимлилиги хоссаларини аниқлаш ва уларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганиш орқали нефтгазга истиқболли қатламларни баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: 39-18 НГГ “Шортак конининг углеводород захираларини ҳисоблаш” (2019-2022); 13-19 ННГ “Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг Республика миқёсида 2019-2020 йиллар бурғилаш режасига киритилган излов-қидирув бурғи қудуқларининг кон-геофизик маълумотларини АСО INGEF-W дастурида тезкор комплекс талқин қилиш” (2020); 2-20 ГКГ “Ўзбекистон Республикаси нефтгазли регионларининг тектоник районлаштириш электрон хариталарини яратиш” (2020-2021); 53-21 УНГ “2021 йил давомида “Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг излов-қидирув бурғи қудуқларида ўтказилган геофизик тадқиқотлар маълумотларини «INGEF-W» дастурий таъминоти ёрдамида тезкор комплекс талқин қилиш” (2021); 49-19 НГГ “Андакли конининг газ, конденсат ва йўлдош компонентларининг захираларини ҳисоблаш” (2020-2023); 92-22 УНГ “Ўзбекнефтгаз» АЖ томонидан излов-қидирув ишлари олиб борилаётган конларининг углеводород захираларини оператив ҳисоблаш ва қайта ҳисоблаш, қудуқлар кон-геофизик маълумотларини “INGEF-W” ва “Techlog” дастурларида комплекс таҳлил қилиш” (2022–2023) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива региони Қандим кўтарилмаси ва унга туташ худудларда юра даври терриген ётқизиқлари коллектор қатламларини петрофизик ва филтрация-сиғим хусусиятларининг ролини ҳамда нефт ва газга истиқболлилиги билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қандим кўтарилмаси ва унга туташ худудларда юра даври терриген кесмасининг геологик ва тектоник тузилишларини ўрганиш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Қандим кўтарилмаси ва унга туташ худудларнинг юра даври терриген ётқизиқларини батафсил ўрганишда энг самарали геофизик усулларни саралаб олиш ҳамда таққослаш;

қудуқ геофизик тадқиқотлари маълумотларни талқин қилиш ва уларнинг натижаларини керн намуналари таҳлиллари билан солиштириш орқали юра терриген ётқизиқлар таркибидаги маҳсулдор горизонтларнинг филтрация-

сиғим хусусиятларини (ғоваклик, самарали қалинлик, нефтгазга тўйинганлик ва гиллилик коэффициентлари) чегаравий қийматларини аниқлаш;

юра даври терриген ётқизиклари кесимида коллекторларнинг филтрация-сиғим хусусиятларини филтрация-сиғим хусусиятлари алоҳида горизонтлар бўйлаб тарқалиш қонуниятларини тавсифловчи хариталар ва геологик кесмалар тузиш;

Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларнинг юра даври терриген кесмаси тузилишининг ягона ҳудудудий геологик моделини ишлаб чиқиш;

углеводород конларини ҳосил бўлишида қатламларнинг коллекторлик хусусиятлари ролини аниқлаш ва юра даври терриген кесмаси оралиғида нефт ва газга истиқболли майдонларни аниқлаш;

юра даври терриген ётқизиклар таркибида нефтгазга йўналтирилган геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро-Хива нефтгазли региони Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларнинг юра даври терриген ётқизиклари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро-Хива нефтгазли региони Қандим кўтарилмаси ҳамда ёндош ҳудудларда терриген юра ётқизиклари кумтош қатламларида коллекторлик ва нефтгазга тўйинганлик хусусиятларининг тарқалишини ўзига ҳослиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий Petrel, Techlog, INGEF-W дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда рақамли геологик моделлар куриш, қудуқ геофизик тадқиқот маълумотларини керн ва шлам таҳлили натижалари, бурғилаш ишлари натижалари ҳамда 2D/3D сейсмик тадқиқот материаллари билан биргаликда комплекс талқин қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори коллекторлик хусусиятларига эга бўлган ҳудудларни ажратиш имконини яратувчи Қандим кўтарилмаси юра даври терриген ётқизиклари коллектор қатламларининг ғоваклик коэффициенти ва самарали қалинлик қийматларининг ўзгариб бориши ва тарқалиши аниқланган;

Қандим кўтарилмаси ҳудудида терриген юра кесимининг кумтош коллектор қатламларида чуқурлик ортиб бориши билан гиллилик даражасининг миқдори камайиши исботланган;

XVIII ва XIX горизонтларда коллектор қатламларнинг очик ғоваклик миқдори терриген юра кесимининг тепасида ётувчи XVII горизонтдагига нисбатан юқори фозизга эга эканлиги исботланган;

Қандим кўтарилмаси терриген юра кесимининг ички тузилиши ва структурасини тавсифловчи, нефтгазга истиқболли горизонтларнинг коллекторлик хусусиятларини башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳудудий геологик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қандим кўтарилмаси юра терригенли ётқизиқларига мансуб XVII, XVIII, XIX ва XX горизонтларнинг структуравий хариталари ҳамда гипсометрик ҳолатни, коллектор қатламларининг ғоваклилик ва самарали қалинлик қийматлари ўзгаришини тавсифловчи хариталар тузилган;

Қандим кўтарилмаси терриген юра кесимининг XVII, XVIII, XIX горизонтлари учун 9,0 % ғовакликга мос келувчи чегаравий қиймат аниқланган;

Юра терриген ётқизиқларининг ҳар бир горизонтлари (XVII-1, XVII-3, XVIII-1, XVIII-2, XVIII-3, XIX, XX) юзаси ҳамда палеозой комплекси юзаси бўйича тузилган батафсил таркибий тузилмали хариталарини коллекторлик хоссаларини ўзгариши хариталари билан таққослаш асосида терриген юра кесимида нефт ва газга истиқболли объектлар аниқланган;

Қандим кўтарилмаси нефтгазли терриген юра горизонтлари коллекторлик хоссаларининг маълумотлар базаси ишлаб чиқилган ва уларнинг тарқалиш тарзи аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги 174 та чуқур бурғи қудуқларининг барча бурғулаш материаллари, қудуқ геофизик тадқиқот маълумотларини комплекс талқин қилиш натижалари, керн ва шлам лаборатория таҳлиллари (30 та намуна), шунингдек, 2D (29 минг пог.км) ва 3D (2400 км²) сеймик тадқиқот натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори коллекторлик хоссаларига эга бўлган ҳудудларни ажратиш, самарали қалинлик қийматларини ўзгариб боришини таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот ҳудудида қатламларнинг ювилиб, юпқалашиб кетиш чегараларини аниқлаштириш имконини берувчи Қандим кўтарилмаси терриген юра ётқизиқларининг ҳудудий, уч ўлчамли геологик моделини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қудуқ геофизик тадқиқот маълумотларини талқин қилиш натижаларининг ишончилилик даражасини оширишга хизмат қилувчи, терриген юра коллектор қатламларини ажратишда ишончли усулларни танлаш, шунингдек, терриген юра ётқизиқларига мансуб углеводород уюмлари ва конларини излаш жараёни учун истиқболли майдонларни аниқлаш имконини берувчи геологик-қидирув ишларини режалаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива нефтгазли региони Қандим кўтарилмаси ҳудудида углеводород уюмларини шаклланишида терриген юра қатламлари коллекторлик хусусиятларининг ролини аниқлаш натижалари асосида:

Арнакум майдонини юра даврининг карбонат ва терриген ётқизиқлари бўйича чуқур бурғилашга тайёрлаш учун тайёрланган илмий тавсия “Ўзбекгеофизика” АЖ ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 31 мартдаги 08-0753-сон маълумотномаси). Натижада, табиий газнинг 1330 млн. м³ истиқболли

захираларига эга бўлган Арнакум структураси чуқур бурғилашга тайёрлаш имконини берган;

Хадича майдонида XVII, XVIII, XIX горизонтлари таркибида коллектор-катламларнинг филтрация-сифимлилик хусусиятларини ўзгариши модели асосида 2-сонли излов қудуғини қўйиш орқали излов ишларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича тайёрланган илмий тавсия “Ўзбекгеофизика” АЖ ишлаб чиқариш фаолиятига жорий қилинган (Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг 2023 йил 31 мартдаги 08-0753-сон маълумотномаси). Натижада, бурғилаш лойиҳасига бурғилаш эритмасининг солиштирама-оғирлик қиймати $1,03-1,06 \text{ г/см}^3$ дан оширилмаслиги тўғрисидаги тузатма киритилиши билан 2-сонли излов қудуғини бурғилаш учун қулай жой танлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича умумий 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 6 таси илмий мақолалар ҳисобланади, уларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган. Жумладан Республика илмий журналларида 4 та мақола ва хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ишининг таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 124 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Бундан ташқари тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларда қуйи ва ўрта юра даври терриген формациясининг ўрагилганлик тарихи тўғрисида қисқача маълумот”** деб номланган биринчи бобида геологик, геофизик ва бурғилаш орқали ўрганиш тарихи ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтилган. Бухоро-Хива региони хусусан Қандим кўтарилмасининг юра терриген ётқизикларининг геологик тузилишини, юра даври терриген катламларининг коллекторлик хоссаларини ва углеводородга истиқболлилигини ўрганиш А.М.Акрамходжаев, Г.С.Абдуллаев, А.А.Абидов, П.У.Ахмедов, А.Г.Бабаев, Т.Л.Бабаджанов, А.Н.Богданов, Б.Б.Таль-Вирский, О.П.Мордвинцев, С.Н.Зуев, В.П.Алексеев, Ш.С.Раджабов, Г.Б.Евсеева,

Б.И.Хожиев ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланган. Ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар натижасида Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларнинг тектоник ва геологик тузилиши ҳамда нефтгазлиги ўрганилган, геологик тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

1950-1970 йиллар Бухоро-Хива нефтгазли регионининг (БХР) барча ҳудудларида, шу жумладан ўрганилаётган ҳудудда геология-қидирув ишларининг кенг кўламли олиб борилишининг бошланиши билан тавсифланади. Геология-қидирув ишлари натижасида ҳозирги вақтга қадар БХРда 180 дан ортиқ нефт, газ ва газ конденсат конлари очилишига эришилган, юқори юра туз-ангидрид ости карбонат ётқизикларининг регионал миқёсда нефтгазлиги исботланган. Қандим кўтарилмаси ҳудудида, карбонат юра ётқизиклари билан бир қаторда, терриген ётқизиклардан ҳам биринчи марта Ҳаққул, Шимолий Сузма, Хожиказган газ конденсат конларидан табиий газнинг саноат миқёсидаги оқими олинган бўлиб, кейинчалик бу Чаккакум, Муродтепа-Атамурад, Андакли ва Шортак каби конларда ҳам ўз тасдиғини топган.

Юра даври терриген ётқизикларининг коллекторлик хоссаларини ҳамда улар таркибида мавжуд коллектор-қатламларини ўрганишда П.У.Ахмедов ва Г.Б.Евсееваларнинг илмий тадқиқот фаолиятлари муҳим рол ўйнаган бўлиб, улар юра даври карбонат ва терриген чўкинди ётқизикларидан олинган керн ва шлам материалларини таҳлил қилиш орқали Бухоро-Хива нефтгазли региони махсулдор горизонтларининг фильтрация-сигим хусусиятларини ўрганиш билан шуғилланишган.

Ўрганилаётган ҳудуд жойлашган Чоржўй поғонасининг шимоли-ғарбий қисмида, излов-қидирув бурғилаш ишлари 1960-йилларнинг бошидан Дояхотин, Кулбешкак, Хожаказган ва бошқа конларда бошланган. Ўтган давр мобайнида Қандим кўтарилмаси ҳудудида Қандим, Оққум, Парсанкўл, Ҳожи, Ғарбий Ҳожи, Қувачи-Алат, Қумли, Тайлоқ, Ҳаққул, Сузма, Шимолий Сузма, Атамурад, Ғарбий Ҳаққул, Чаккакум, Чегаракум, Муродтепа, Андакли, Шортак, Ўртакум, Четқум, Жанубий Оққум, Шарқий Хатар ва бошқа конлар очилган.

Тадқиқот ҳудудида юра даври терриген ётқизикларининг излов-қидирув бурғилаш бўйича ўрганилганлик даражаси ўртача даражага мансуб ҳисобланади. Қандим кўтарилмасининг терриген юра ётқизикларини бурғилаш ҳамда сейсмик қидирув ишлари мажмуаси орқали чуқурроқ ўрганиш талаб этилади.

Диссертациянинг **“Қандим кўтарилмаси қуйи ва ўрта юра даври терриген ётқизикларининг геологик тузилишини асосий жиҳатлари ва улар билан боғлиқ нефтегаздорлиги”** деб номланган иккинчи бобида Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларда юра даври терриген ётқизикларининг литологик ва стратиграфик хусусиятлари, ҳудуднинг тектоник тузилиши ва нефтегаздорлигининг ўзига ҳос хусусиятлари батафсил ёритилган.

Тадқиқот ҳудудида Бухоро-Хива региони бўйича регионал равишда нефтегаздорлиги исботланган мезо-кайнозой жинслари жуда яхши ўрганилган. Палеозой ётқизикларининг геологик тузилиши ҳақидаги маълумотлар асосан қадимги тоғ жинсларининг ер юзига чиқиб қолган табиий очилмалари ҳамда палеозой комплекси ётқизикларининг юза қисмини бурғилаб ўтган чуқур қудуқлар асосида олинган. Ўрганилаётган ҳудуд геологик кесимининг ўзига хос хусусиятлари керн намуналарининг лаборатория таҳлиллари, чуқур параметрик ва излов-қидирув қудуқларда ўтказилган геофизик тадқиқотлар ҳамда сейсморазведка дала ишлари натижаларини комплекс талқин қилиш орқали шакллантирилган.

Қандим кўтарилмасининг геологик тузилиши кесимида палеозой, мезозой ва кайнозой эраларининг тоғ жинслари қатнашади. Мезозой эрасига мансуб юра даври ётқизиклари 3 та бўлимга бўлинади: *остки*, *ўрта* ва *юқори*, литологик таркибига кўра ҳам 3 турга мансуб, устма-уст ётувчи *терриген*, *карбонат* ҳамда *туз-ангидрит* формацияларидан иборат.

Куйи-ўрта юра ётқизиклари (терриген формациясига мансуб жинслар - ТФ) Чоржўй поғонасининг шимоли-ғарбий қисмида, шу жумладан тадқиқот ҳудуди Қандим кўтарилмасида ҳосил бўлишига кўра турли хил бўлан денгиз ва қирғоқ-денгиз, континентал терриген жинслар ташкил топган. Терриген формациянинг чўкинди ётқизиклари палеозой ётқизиклари устида стратиграфик жиҳатдан ҳамда бурчак остида номувофик ҳолатда ётади. Геологик кесимда XX, XIX, XVIII, XVII горизонтлар ажратилган. Ўрта юра ётқизикларининг юзаси Т₇ сейсмик қайтарувчи горизонти ҳисобланади. Қандим кўтарилмасида куйи-ўрта юра даври терриген ётқизикларининг қалинлиги 60 м дан (Кўшимча, 3-сонли қудуғи) 620 м гача (Андакли, 2-сонли қудуғи) ўзгариб тадқиқот ҳудудининг ғарбий қисми томон ошиб боради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, XVII, XVIII маҳсулдор горизонтлар Қандим кўтарилмасининг барча қисмида тарқалган. XIX, XX горизонт ётқизикларининг қалинлиги эса кўтарилманинги шимоли-ғарбий қисмидан марказга томон камайиб боради ва марказий қисмда тўлиқ қисқариб йўқолиб кетади.

Қандим кўтарилмаси шимоли-ғарбий йўналишда ётувчи (120x40 км) Чоржоу поғонасидаги энг катта тектоник кўтарилма ҳисобланади. Кўтарилма шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ томондан Қорақўл ботиклиги, жануби-шарқдан Денгизқўл кўтарилмаси билан чегараланади.

Олиб борилган геологик изланишлар натижасида Қандим кўтарилмаси ҳудудида нефт-газга маҳсулдор учта комплекс борлиги исботланди: Куйи-ўрта юра терриген формациясига мансуб маҳсулдор горизонтлар (XIX, XVIII, XVII), ўрта ва юқори юра карбонат формациясига мансуб маҳсулдор горизонтлар (XVa, XV-3, XV-2, XV-1) ва куйи бўр терриген формациясига мансуб XIV горизонт. Қандим кўтарилмасидаги терриген ётқизикларнинг нефт ва газга истиқболи биринчи марта 1966 йил октябр ойида геология-қидирув ишлари бошланган Хожиказган конида исботланган.

Чуқур кудуқлар бурғилаш маълумотлари, ҚГТ маълумотларининг комплекс талқини, қатламларни синаш ишлари натижаларининг таҳлили асосида кўпчилик конларда терриген юра ётқизикларида углеводород уюмлари мавжудлиги аниқланган. Аммо кўпчилик конларда терриген юра ётқизикларидаги махсулдор қатламлар синовдан ўтказилмаган ёки нисбатан паст газ оқими олинганлиги туфайли цемент кўприги билан ёпиб кетилган. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот ҳудудидаги мавжуд конларда юра даври терриген ётқизиклари билан боғлиқ махсулдор тузилмаларнинг коллектор-қатламларини такрорий синовдан ўтказиш Шимолий Сузма, Ҳаққул, Ғарбий Ҳаққул, Чаккақум, Муродтепа–Атамурод каби конлар мисолида янги истиқболли углеводород уюмларини очиш ёки газ конденсати қазиб олиш суръатини ошириш имконини беради.

Диссертациянинг **“Қудуқларда бажарилган геофизик тадқиқотлар маълумотлари асосида юра даври терриген формацияси ётқизикларининг коллекторлик хусусиятларини аниқлаш ва геологик тузилишини моделлаштириш”** деб номланган учинчи бобида қатламларининг коллекторлик хусусиятларини аниқлаш методикаси ва юра даври терриген ётқизикларини геологик моделлаштириш натижалари келтирилган. Шу билан бирга тадқиқот объекти учун нисбатан самарали бўлган ҚГТ комплекси белгиланган. Терриген юра ётқизикларининг махсулдор горизонтлари чегаравий қийматлари аниқланган ҳамда уларнинг тадқиқот ҳудудиди бўйлаб тарқалиш қонуниятлари ўрганилган.


Коллектор қатламларни ажратишнинг дастлабки босқичи илгари бурғиланган, коллектор қатламлар ётиш интерваллари маълум бўлиб улгурган, кўшни кудуқларнинг геологик-геофизик кесимлари ҳамда каротаж диаграммалари билан таққослашдан иборат ҳисобланади. Бундан ташқари, каротаж диаграммалари асосида коллекторларни ажратиш имконини берувчи бир қатор объектив белгилар мавжуд. Ўрганилаётган ҳудудда терриген коллекторлар таркибига кўра турли хил ва асосан донадор ғовакликка эга бўлган қумтош ва алевролитлардан иборат. Қумтош ва алевролит қатламлари ПС, ГК ва КВ (кавернограмма) эгри чизиклари орқали нисбатан аниқ ажралиб туради. Кам ғовакли зич жинсларни коллектор қатламлардан ажратиш учун кўшимча усуллардан ҳам фойдаланилади: улардан самаралироқ бўлганлари микрокаротаж, НГК, ГГК ва АК. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу ўрганилаётган ҳудудда сўнгги йилларда ГГК усули деярли қўлланилмаган ва бу терриген қатламларни талқин қилиш сифатига бевосита таъсир кўрсатган.

Тадқиқот ҳудудида юра даври терриген коллектор қатламларини ажратиш ва уларнинг нефт ва газ билан тўйинганлигини аниқлашдаги асосий муаммо шундаки, коллектор қатламлар ҳар доим ҳам тоза қумтошлардан иборат эмас. Қумтошлар гилли-қумтош типигаги коллекторларни ҳосил қилувчи турли хил гилли аралашмалар билан турли даражада бойиган. Бу, айниқса, XVII горизонти ётқизикларининг юқори қисмида жойлашган коллекторларда яққол кўзга ташланади. Қумтошларда гилли зарраларининг мавжудлиги, уларнинг коллекторлик хусусиятларига, жумладан уларининг

уюқлик ўтказувчанлик, электр ўтказувчанлик хусусиятлари, очик ғоваклик ва коллекторларнинг нефт ва газга тўйинганлилик кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Кудук геофизик тадқиқотлари (ҚГТ) материалларини таҳлил қилиш ва қайта талқин қилиш шуни кўрсатадики, Қандим кўтарилмасининг марказий қисмида фақат XVII горизонт ётқизиқларининг тарқалиши кузатилади ва кўтарилма бўйлаб деярли барқарор тарқалади. Кўтарилманинг шарқий қисмида XVII, XVIII горизонтлар кенг тарқалган бўлса, ғарбий қисмда XVII, XVIII, XIX ва XX горизонтлар мавжуд 1-расм).


Қандим кўтарилмасининг юра даври терриген ётқизиқларида ҚГТ материалларини ишончли ва аниқ талқин қилинишини таъминлаш ва коллекторларнинг филтрация-сиғим хусусиятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган, тоғ жинсларининг ҳақиқий физик хоссаларини аниқлаш мақсадида Андакли, Оққум–Парсанқўл ва Шортак конларидан олинган керн намуналарини лаборатория таҳлили натижаларидан фойдаланилди. Шунингдек, Муродтепа–Отамурод, Чаккақум, Ғарбий Ҳаққул, Қандим ва Ўртақум конларининг излов-қидирув кудуқларидан олинган керн намуналарини лаборатория таҳлиллари натижалари ўрганилди. XVII, XVIII ва XIX горизонтларининг терриген формациясига мансуб коллекторлар учун 9% очик ғовакликнинг чегаравий қийматлари қабул қилинган.



1-расм. Қандим кўтарилмаси ҳудудидаги нефтгазли юра даври терриген ётқизиқларининг геологик кесими (Тузувчи: Холмуродов И.З., 2023й.)

1 – палеозой ётқизиқлари; 2 – терриген юра ётқизиқлари; 3 – карбонат юра ётқизиқлари; 4 – туз – ангидрит формацияси.

Қандим кўтарилмасининг терриген юра ётқизиқларининг замонавий, муфассаллаштирилган уч ўлчовли геологик модели ишлаб чиқилган бўлиб, унда терриген қатламларнинг ювилиб кетиш чегаралари аниқланган. Геологик моделни қуриш жараёнида махсусдор горизонтларнинг юзалари бўйлаб (юра даври карбонат ва терриген ётқизиқлари юзаси, XVII–1, XVIII–3, XVIII–1, XVIII–2, XVIII–3, XIX, XX горизонтлари, шунингдек палеозой комплекси юзаси бўйлаб) структуравий хариталар тузилди (2-расм).



2-расм. Қандим кўтарилмаси юра даври терриген ётқизиклари юзаси (Ўтер) бўйича структура харитаси (Тузувчи: И.З.Холмуродов, 2023й.)

- 1 – тектоник элементлар чегараси; 2 – кудук; 3 – Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси; 4 – қайтарувчи горизонт бўйича изогипслар; 5 – Учбош-Қарши флексура-ер ёриғи зонаси; 6 – ер ёриқлари; 7 – геологик профилларнинг йўналишлари.

Диссертациянинг “Қандим кўтарилмаси юра даври терриген ётқизиклари таркибида углеводород уюмларининг тўпланиши ва сақланишида филтрация-сиғим хусусиятлари ўзгаришининг таъсири” деб номланган тўртинчи бобда терриген юра формацияси ётқизиклари таркибида коллектор қатламларнинг ривожланиш зоналари ва углеводород уюмлари шаклланиши учун истиқболли бўлган объектларни ажратиш бўйича амалга оширилган тадқиқот ишларининг натижаларига тўхталиб ўтилади. Олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида коллектор қатламларнинг самарали қалинлик хариталари ва ҳар бир горизонт учун очиқ ғоваклилик қийматларининг ўзгариши бўйича хариталар тузиш орқали Қандим кўтарилмаси бўйлаб терриген юра горизонтларининг самарали қалинликларининг ўзгариши ўрганилди.

Қандим кўтарилмасининг бутун ҳудудида XVII горизонт ётқизиклари бурғилаб ўтилган. Ушбу горизонт коллекторларининг самарали қалинлиги 5 м дан 29 м гача ўзгариб туради, коллектор қатламларнинг энг катта қалинлиги кўтарилманинг марказий қисмида (Оққум, Жанубий Оққум, Шарқий Хатар конлари ҳудудида) қайд этилган. XVII горизонт коллекторлари тоғ жинсларининг ғоваклилиги XVIII, XIX горизонтларга қараганда пастроқ бўлиб, 8 дан 10% гача ўзгариб туради. Коллекторлик хоссаларига кўра горизонт XVII–1, XVII–2, XVII–3 каби учта қисмга бўлинади. Горизонтнинг маҳсулдор коллекторлари асосан XVII - 3 қатлам билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу маҳсулдор коллектор қатлампдан Шортрак, Андакли, Чаккақум,

Муродтепа ва бошқа конларда саноат миқёсидаги табиий газ оқими олишга эришилган.

XVIII горизонти ётқизиклари Қандим кўтарилмаси бўйлаб нотекис тарқалган. Марказий қисмда (Шарқий Хатар кони ҳудудида) ушбу горизонт ётқизиклари учрамайди. Горизонт ётқизикларининг энг катта қалинликлари кўтарилманинг ғарбий ва шимоли-ғарбий қисмларида қайд қилинган, жануби-шарқий қисмида эса горизонт коллектор қатламларининг қалинликлари 15-20 м ни ташкил этади. Ўз навбатида XVIII горизонт коллекторларининг очик ғоваклилиги ўртача 12% қийматга эга. Гилли қатламларнинг миқдори шимоли-ғарбий йўналишда ортиб боради.

XIX горизонт фақат Қандим кўтарилмасининг шимоли-ғарбий қисмида қайд қилинган бўлиб, марказий қисм томон қисқариб бориб, Оққум ва Жанубий Оққум конлари ҳудудида тўлиқ йўқолиб кетади. Горизонт коллекторларининг ўртача қалинлиги кўтарилма бўйлаб 15-20 м ни ташкил этади. Қандим кўтарилмасининг шимоли-ғарбий қисмидаги XIX горизонт коллектор қатламларининг ўртача ғоваклик қийматлари 11-15% гача ўзгариб туради. Шунини таъкидлаш керакки, XIX горизонт коллекторларининг ғоваклилиги юқорида жойлашган горизонтларнинг чўкинди коллекторларига қараганда юқори қийматга эга. Бу шунини аниқлатадики, ҳар доим ҳам чуқурлик ошиши билан қатламларнинг зичлиги ортмайди.

Очик ғовакликнинг чуқурлик ортиши билан ошишининг асосий сабаби XVII горизонтнинг кумтош типидagi коллекторлари таркибида кўп миқдорда гилли кўшимчаларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Чуқурликда ётувчи горизонтларда эса кумтошлардаги гилли кўшимчаларнинг миқдори камайиб боради. Бу, ўз навбатида, кумтош типидagi қатламларнинг самарали қалинлиги ва коллекторлик хоссаларининг яхшиланишига олиб келади.

XX горизонт тадқиқот майдонининг шимоли-ғарбий қисмида кенг тарқалган. Горизонт ётқизиклари таркибидаги коллектор қатламлар қалинлигининг энг юқори қийматлари Тошқала 2-сонли кудуғида ва Андакли 2-сонли излов кудуқларида қайд этилган бўлиб, бу ерда тоза кумтош қатламлар қалинлиги 41 м га етади. XX горизонтдаги коллектор тоғ жинсларининг ғоваклилиги 7-13% орасида ўзгариб туради, Чаккакум кони ҳудуди нисбатан юқори коллекторлик хусусиятлари билан ажралиб туради (13%). Сарҳад, Киндерли ва Шоркала каби конлар ҳудуди XX горизонт ётқизиклари истиқболсиз бўлган ҳудуд сифатида ажратилди.

Терриген юра ётқизикларининг коллектор тоғ жинсларининг коллекторлик хоссаларининг тақсимланишини таҳлил қилиш Қандим кўтарилмаси ҳудудида нефт ва газга истиқболли бир нечта майдонларни ажратишга, шунингдек ўрганилаётган ҳудуддаги излов-қидирув кудуқларининг терриген юра тоғ жинсларини филтрация-сигимлилик хусусиятларини аниқлашга имкон берди.

Геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш учун иккита йўналиш тавсия этилади. Биринчи йўналиш - бу қалин гилли тутқичларга эга бўлган терриген юра горизонтлари таркибидаги яхши коллекторлик хоссалари

билан характерланувчи қатламларни ўзида мужассам этган структураларни чуқур бурғиладиганга тайёрлаш. Бурғиладиган жараёнида бурғиладиган эритмасининг солиштирма оғирлигини назорат қилиш талаб қилинади. Иккинчи йўналиш-илгари синовдан ўтказилмасдан қолган истиқболли терриген юра қатламларини ёки юқори солиштирма оғирликдаги бурғиладиган эритмаси билан бурғиланган қудуқларда, табиий газнинг заиф оқими кузатилган қатламларни қайта синовдан ўтказиш.

Горизонтлар бўйича қуйидаги истиқболли ҳудудлар ажратилди:

– Муродтепа-Отамурод конининг шимоли-шарқидagi ва Андакли конининг жануби-ғарбидagi ҳудуд коллекторлик хоссаларига кўра XVII горизонтнинг углеводородга истиқболли кумтош типидagi қатламларининг тарқалиш ҳудуди сифатида ажратилган. Чуқур бурғиладиганга тавсия этилган Арнақум ва Кимерекқум тузилмалари айнан ушбу ҳудудда жойлашган.

– Қандим кўтарилмасининг шимоли-ғарбий қисми, яъни Хожиқазган, Чаккақум ва Четқум, Оққум–Парсанқўл ва Андакли конлари ҳудуди коллекторлик хоссаларига кўра XVIII горизонтнинг нефт ва газга истиқболли коллектор қатламлари тарқалган ҳудуд сифатида ажратилган.

ХУЛОСА

“Бухоро–Хива региони Қандим кўтарилмаси терриген юра ёиқизикларининг коллекторлик хоссалари ва уларнинг углеводород уюмлари ҳосил бўлишидаги роли” мавзудаги диссертация ишининг асосий назарий ва амалий натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўрганилаётган ҳудуднинг юра даври терриген ётқизиклари кесими паст электр қаршилиққа эга ғоваклиги юқори қатламлар билан тавсифланиб, кумтошлар, гиллар ва алевролитлардан ташкил топган. Шу билан бирга, коллекторларнинг ғоваклилик даражасини аниқлашда акустик каротаж (АК) усулининг радиоактив усулларга (НГК, ННКт ва ГГК) нисбатан паст самарадорлиққа эга эканлиги аниқланди.

2. Ўрта юра даври ёшидаги терриген ётқизикларнинг қалинлиги Қандим кўтарилмаси ва унга туташ ҳудудларда шимоли-ғарбий йўналишда (Шарқий Хатар 2-сонли қудуғида 45 м дан Андакли 2-сонли қудуғида 620 м гача) ортиб боради ва ўз навбатида Хатар ва Қандим майдонлари ҳудудидан жануби – шарқий йўналишда деярли барқарор тарқалган бўлиб, бу қуйидаги қудуқларда ўз исботини топган. (45 м – Шарқий Хатар 2-сонли қудуғи, 140 м – Жанубий Оққум 2-сонли қудуғи, 390 м – Муродтепа 1-сонли қудуғи, 425 м – Ғарбий Хаққул 1-сонли қудуғи ва 510 м – Шортрак 1-сонли қудуғи).

3. Тадқиқот олиб борилган ҳудудда XVII горизонт оралиғида коллектор қатламларнинг самарали қалинликлари ҳамда умумий ғоваклилик қийматлари орасида тесқари боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бунда, хусусан коллектор қатламлар қалинликларининг ортиб бориши билан ғоваклилик коэффициенти қийматларининг пасайиши кузатилди.

4. Тадқиқот ҳудудида қатламларнинг очик ғоваклик қийматлари чуқурлик ортиши билан ошиб боради, бунда XVII горизонти коллекторларида

очик ғоваклик қийматлари чуқур ётувчи XVIII ва XIX горизонтларнинг коллектор қатламларига қараганда паст кўрсаткичга эга.

5. Юра даври терриген ётқизикларининг маҳсулдор горизонтларида кумтош типигаги коллекторлар таркибида гилли қўшимчалар миқдори чуқурлик ортиб бориши билан камайиши аниқланди, бу эса ўз навбатида чуқурликнинг ошиши билан қатламларнинг очик ғоваклик қийматларининг ортиб кетишининг асосий сабабидир.

6. Горизонтлар қалинликларини қисқариши ва ювилиб кетиш чегаралари аниқланган Қандим кўтарилмаси терриген юра ётқизикларининг геологик модели қурилган. Ишлаб чиқилган модел асосида Қандим кўтарилмасининг деярли барча ҳудудида XVII ва XVIII горизонтлар ётқизикларининг тарқалганлиги аниқланди. Шу билан бирга, XIX ва XX горизонтлар ётқизикларининг қалинликлари шимоли-ғарбдан жануби-шарққа томон камайиб бориб, кўтарилманинг марказий қисмига яқин (Аккум-Парсанкўл конлари ҳудудида) тўлиқлигича литологик қисқаришга учраши аниқланди.

7. Қандим кўтарилмаси ҳудудида, структуравий конструкциялар (қуйи-ўрта юра даврининг терриген юра ётқизиклари юзаси, XVII-1, XVII-3, XVIII-1, XVIII-2, XVIII-3, XIX, XX горизонтлари ва палеозой комплекси юзаси) шунингдек, XVII, XVIII, XIX ва XX горизонтлар қатламларининг ғоваклик ва самарали қалинлик қийматларини тавсифловчи, терриген юра ётқизикларида коллекторлик хоссаларининг тарқалишини ўрганиш асосида нефт ва газга истиқболли майдонлар аниқланди.

8. Ўрганилаётган қатламларнинг нефт ва газга истиқболлини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи гиллилик, ғоваклилик, нефт ва газга тўйинганлик ҳамда коллекторларнинг самарали қалинлиги каби коэффициентларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги аниқланди.

9. Тадқиқот ҳудудининг коллекторлик хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида Муродтепа–Отамурод конининг шимоли-шарқида ва Андакли конининг жануби-ғарбий томонида XVII горизонтнинг нефт ва газга истиқболли кумтош қатламларининг тарқалиш майдони аниқланди.

10. XVIII горизонт қатламларининг коллекторлик хусусиятлари таҳлили асосида Қандим кўтарилмасининг Хожиқазган, Чаккақум, Четқум, Аккум–Парсанкўл, Андакли конлари ҳудудида нефт ва газга истиқболли кумтош қатламлари аниқланди.

11. Нефтгазлилик истиқболларини тасдиқлаш мақсадида Арнақум объекти ҳудудида терриген юра ётқизиклари таркибида излов-қидирув бурғилаш ишларини олиб бориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ
И РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УЧРЕЖДЕНИЕ «ИНСТИТУТ ГЕОЛОГИИ И
РАЗВЕДКИ НЕФТЯНЫХ И ГАЗОВЫХ МЕСТОРОЖДЕНИЙ»**

ХОЛМУРОДОВ ИСРОИЛ ЗАВКИ УГЛИ

**КОЛЛЕКТОРСКИЕ СВОЙСТВА ЮРСКИХ ТЕРРИГЕННЫХ
ОТЛОЖЕНИЙ КАНДЫМСКОГО ПОДНЯТИЯ БУХАРО-
ХИВИНСКОГО РЕГИОНА И ИХ РОЛЬ В ФОРМИРОВАНИИ
ЗАЛЕЖЕЙ УГЛЕВОДОРОДОВ**

04.00.07 – Геология, поиски и разведка нефтяных и газовых месторождений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025 г.

Тема диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2023.3PhD/GM171.

Диссертация выполнена в Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.ing.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**
доктор геолого-минералогических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Долгополов Феликс Геннадиевич**
доктор геолого-минералогических наук

Бойкобилов Иброхим Тошпулатович
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **АО «Узбекгеофизика»**


Защита диссертации состоится « 23 » января 2025 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 при Институте геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б. e-mail: igirnigm@ing.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института геологии и разведки нефтяных и газовых месторождений (зарегистрирована за № 4394). (Адрес: 100164, г.Ташкент, ул. Олимлар, 64-Б, e-mail: igirnigm@ing.uz).

Автореферат диссертации разослан « 6 » января 2025 г.
(реестр протокола рассылки № 88 от «28» октября 2024 г.).




Г.Х. Шоймуратов
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.


М.Г. Юлдашева
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.


А.Н. Богданов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.г.-м.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире увеличение спроса на энергоресурсы в мировом масштабе, а также освоение крупных нефтяных и газовых месторождений требуют внедрения новых методов в процесс поиска и определения перспективных пластов углеводородного сырья. Истощение имеющихся запасов углеводородов ставит перед нефтегазовой промышленностью такую важную задачу, как выявление новых продуктивных объектов с максимальной экономической эффективностью. В связи с этим, одним из приоритетных направлений нефтегазовой отрасли является выделение перспективных площадей на нефть и газ путем изучения коллекторских свойств пластов-коллекторов и обоснование их распространения в пределах нефтегазоносного региона. Вместе с этим, внедрение новых технологий и использование современного программного обеспечения при определении коллекторских свойств позволяет снижать риски в процессе проведения геологоразведочных работ.

В настоящее время в мире ведутся научные исследования по изучению коллекторских свойств продуктивных горизонтов терригенных отложений и определению их роли в формировании залежей углеводородов. В связи с этим особое внимание уделяется установлению закономерностей распределения коллекторских свойств пластов терригенного разреза; изучению влияния свойств пластов-коллекторов на образование залежей углеводородов (УВ); геологическому моделированию; перспективных территорий для выделения зон улучшенных коллекторских свойств выделению сложных коллекторов с помощью комплексирования данных сейсморазведки, керна и промысло-геофизических исследований скважин (ГИС) и др.

В Республике достигаются определенные научные результаты по внедрению новых технологических и методических разработок для выявления новых залежей и месторождений углеводородов с целью удовлетворения растущего спроса на энергетические ресурсы. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы определены важные задачи по «...дальнейшему развитию, совершенствованию, ускорению топливно-энергетической отрасли»¹. Исходя из этого, одной из важнейших задач геологоразведочных работ на нефть и газ является исследование коллекторских свойств терригенных отложений установленных высокоперспективных зон для выделения площадей нефтегазонасыщения с помощью современного программного обеспечения для обоснования параметров, используемых в подсчете запасов углеводородов, что имеет большое научное и практическое значение.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О новой Стратегии развития Республики Узбекистан» // Сборник законодательных документов Республики Узбекистан на 2022 - 2026 годы.

